



## ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ВА АРХЕОЛОГИЯ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

### Annotation:

Археология мероси объектлари Ўзбекистон маданий мерос объектларининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоният тарихини, шунингдек қадимги аجدодларимиз томонидан яратилган ва узоқ асрлар оша бизгача етиб келган моддий маданият манбалари асоси ҳисобланади.

### Key words:

Археология мероси, қадимги маданий минтақалари

### Information about the authors

**Мардонов Рўзимбек – БухДУ талабаси**  
**Илмий раҳбар: Болтаев Бобир – т.ф.ф.д.(PhD)**

Археология мероси объектлари Ўзбекистон маданий мерос объектларининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоният тарихини, шунингдек қадимги аجدодларимиз томонидан яратилган ва узоқ асрлар оша бизгача етиб келган моддий маданият манбалари асоси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг энг қадимги маданий минтақаларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида бир неча минг йиллар давомида цивилизациявий таракқиёт жараёни давом этиб келган. Бу ерда антик Греция, Рим, Эрон Аҳамонийлари даврига тенгдош бўлган Бактрия, Сўғд, Хоразм ва Фарғона каби давлатларининг шаклланганлиги ҳамда Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўли ҳам айнан шу ҳудуддан ўтганлиги тасодифий ҳол эмас.

Асрлар давомида цивилизациявий мулоқот марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва бошқа соҳалар билан бирга, шаҳарлар қуриш маданияти ҳам қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келган. Ҳатто, турли тарихий даврларда вайронагарчиликлар келтирган истилолар ҳам минтақанинг олға қараб динамик ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

Юқорида тилга олинган вайроналар остида минг йиллардан дарак берувчи тарих саҳифалари яширинган. Бу саҳифаларни бирма-бир варақлаб, халқимизга етказиш, тарихимизни холисона ўрганиш, албатта, археология соҳаси билимдонларининг машаққатли меҳнати билан амалга ошади.

“Бошқа давлатлар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюк тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб беролмадик. Ўзлимиз нуктаи назаридан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади”, деб таъкидлаган эди – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев.

Ушбу ёдгорликлар бугунги кунда ҳам биз учун нафақат Ўзбекистон, балки Бутун Марказий Осиё халқларининг ўтмишдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданиятлари фанини билишнинг муҳим манбаидир.

Ҳар бир археология мероси объектининг ўрганилиши, археология ашёлари ва уларнинг бошқа объектлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос томонларини ёритиш бугунги кун учун долзарб ҳисобланади.



Ўзбекистон - жаҳон цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири, унинг салмоқли, ажралмас қисмидир.

Ўзбеклар Республиканинг энг қадимий тубжой халқи, ушбу юксак цивилизациянинг меросхўрларидирлар. Марказий Осиё тупроғида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, республикамизда тарихий илдизларимизга, давлатчилигимизнинг илк манбаларига, иқтисодимиз ва маданиятимизнинг ўтмишига, бошқа халқлар билан тарихий алоқаларимизга, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини билишга бўлган қизиқишни кучайтириб юборди.

Халқимизнинг келиб чиқишини ҳаққоний тарихий манзарасини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланиб, бу мустақил республикамизда миллий тикланиш, миллий ҳамжихатликни кучайишига олиб келади. Тарихда халқнинг тақдири акс этган бўлиб уни англаш, ҳис этиш, халқнинг тафаккурида тарихий онгни шакллантиришга, миллий ўз-ўзини англашга, ватанпарварлик ва халқпарварликни ошишига олиб келадиким - буларсиз буюк давлат куришни иложи йўқдир. Афсуски, ўзбек халқининг қадимги даврлардан тортиб то бугунги кунгача бўлган тарихи бир

тексида ўрганилган йўқ ва ўрганилган қисми ҳам ҳаққоний тарихий ҳақиқатни англата олмайди. Инсониятни тафаккурини шакллантирадиган, фанлар тармоғи ичида, археология XIX асрда оламшумул тўнтариш ясади. Асримиз бошида машхур инглиз археологи Г.Чайлд: «телескоп астрономияда

қанчалик кўриш имкониятини оширган бўлса, бу фан ҳам (археология), ўтмишининг чексиз уфқларини кўришни шу даражада кенгайтди. Микроскоп биология фанида, катта организмларнинг ташқи қобикларини жуда кичик хужайралар ташкил этишини кашф этганидек, бу фан ҳам тарихшуносликда ўтмишни ўрганиш имконларини юзлаб қарра оширди. Қисқаси, радиоактивлик химияда қанчалик микёсда ўзгаришлар қилган бўлса, бу фан ҳам тарихшуносликда шу даражада ўзгаришлар ясадий» - деб ёзган эди.

Археология туфайли инсоният тарихи 2-2,5 миллион йилга қадимийлашди. Қадимги Миср, Иккидарё оралиғи, Ҳинд, Хитой, Майя, антик Греция ва Рим цивилизациялари кашф қилинди.

Ўзбекистонда юз йилдан буён олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, нафақат юксак ва ўзига хос, ўз ёши жиҳатидан жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан қолишмайдиган Бактрия, Хоразм, Сўғд цивилизациялари очилди, балки бу қадим юрт инсоният томонидан 1 миллион йиллар илгари ўзлаштирилганлиги ҳам кашф қилинди.

Ўзбекистон замини ўз бағрида, ўтмишнинг барча босқичларига оид қимматли ёдгорликларни асраб келаётган бебаҳо архивдир. Унинг ҳудудларида инсоният цивилизациясининг бебаҳо дурдоналари бўлган 8 мингдан ошиқ археологик ёдгорликлар сақлангандир.

Аждодларимиз томонидан бунёд этиб қолдирилган ҳар бир қаср, қалъа, манзилгоҳ ёки қоятош суратлари муҳим тарихий гувоҳ, ҳужжат бўлиб улар ўз тадқиқотини кутмоқда. Шу сабабли, кун тартибида турган биринчи муҳим масала юқорида тилга олинган ёдгорликларни ҳар томонлама авайлаб асрашдир.

Ўзбекистон - очиқ осмон остидаги улкан музей бўлиб, унинг бебаҳо тарихий экспонатлари Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз (16, 20-расмлар), Термиз ва Қўқондаги нодир меъморчилик ансамбллари билан биргаликда, қадимги Хоразм, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Зарафшон ва Фарғона водийсида, Шарқ билан Фарбни боғлаб турган китъаларо савдо-қарвон йўли ўтган бепоён кенгликлариде сақланиб қолгандир. Буларнинг бурчаси Ўзбекистон халқларининг моддий маданияти ва этник қиёфасида муҳрланиб қолгандир.

Мустақил Ўзбекистонда бошқа тарихий фанлар қатори археология ҳам жамият тараққиётини ҳаққоний, ҳар томонлама кенг урганиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда «фан», «давлат», «тарих», «цивилизация», «мерос» каби тушунчалар янгича оҳангда



жарангламоқда бу тушанчалар янгича маъно касб этди ва ягона, ўзаро ҳамоҳанг тушунчага айланди.

Узоқ давом этган тарихий жараёнларда халқнинг тақдири муҳрланган бўлиб, тарихчи ва археологларнинг вазифалари миллатнинг ҳаққоний тарихини, мавжуд далиллар асосида яратиб, тоталитар Совет тузуми даврида йўл қўйилган адолатсизликлар, сохталаштиришларга чек қўйишдир.

Ўзбек халқининг тарихи, энг қадимги даврлардан, яъни палеолит давридан бошлаб то бугунги кунгача, жанубда Ўрта Шарқ ва шимолда Евроосиё чўллари билан яқин алоқада ривожланиб, умумжаҳон тарихининг бир қисми ҳисобланади. Ўзбек археологлари ўтмишга субъектив ёндашишга йўл қўймаслик, тор қобикда ўралашиб қолмаслик учун АҚШ, Япония, Франция, Германия, Италия, Польша ва дунёнинг бошқа йирик илмий марказлари билан чуқур, ҳар томонлама ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳол ўзбек археологиясини жаҳонга танилишига, унинг халқаро обрў-эътиборини ошишига ва халқимиз тарихини дунёга ёйилишига олиб келмоқда. Мисол учун бугунги кунда ўзбек археологлари хорижий ҳамкорлари билан биргаликда, илк ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг тараққиёти босқичлари, этнос тарихининг илк даврлари, улуғ цивилизацияни яратишда унинг аҳамиятини ойдинлаштириш, Буюк Ипак йўли тарихи, дунёвий динларнинг тарқалиш йўллари ўрганиш каби муҳим муаммоларни ҳал қилмоқдалар.

Ўзбекистонда тарихий онгни ривожлантириш, Мустақил Ўзбекистоннинг ёш озод фуқаросини тарбиялаш борасида ўзбек археологияси амалга ошириши лозим бўлган асосий фундаментал ва амалий тадқиқотларни қуйидаги блокларга ажратиш лозимдир:

А. Археологиянинг назарий-методологик асосларини яратиш - ўтмишга материалистик ёндашиш, жамиятнинг эволюцион ва бир текисда ривожланиши, тарихни қатъий формацияларга бўлиб ўрганишдан воз кечиш ва мамлакат тарихи ва миллат тарихини даврларга ва хронологияга бўлиш муаммоларига цивилизация он йўл билан ёндашиш ва бошқалар. Дунё археологиясининг тажрибалари асосида тадқиқот усуллари такомиллаштириш ва статистик, морфологик, функционал, таксометрик ўлчовлар бўлган «археология манбаи», «маданият», «маданий қатлам», «ёдгорлик», «манзилгоҳ», «цивилизация», «қишлоқ», «илк шаҳар», «илк давлат» каби тушунчаларни жаҳон археологияси андозаларига яқинлаштириш.

Б. Тош даври, бронза, илк темир даври, антик ва ўрта асрларга оид археологик маданиятларни, Марказий Осиёни ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилишини ўрганиш. Ашел, мустье, юқори палеолит, мезолит, неолит ёдгорликларни, қоятош суратларини, палеоэкологияни, неолитик инқилобни ишлаб чиқариш хўжалигини, суғорма деҳқончилик маданиятини ўрганиш. Цивилизацияларни туғилиши, митти воҳавий давлатларни пайдо бўлиши, илк шаҳарлар ва давлатларни юзага келиш муаммоларини ўрганиш, «Катта Хоразм», Бактрия, Сўғд, эллинизм, урбанизация, меъморчилик, шаҳарсозликни тараққиёти, Буюк Ипак йўлини шаклланишини, савдо-сотиқ, пул муомаласи, ҳунармандчилик муаммоларини ўрганиш. Ўтроқ деҳқонлар ва кўчманчи-чорвадорлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар, қадимги жамиятларнинг мафкураси, дунёқарашини, дунёвий динларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши каби муҳим муаммоларни урганиши Самарқанд, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Андижон ва Тошкент каби йирик тарихий шаҳарларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти босқичлари ва жаҳон цивилизацияси хазинасига қўшган ҳиссаларини аниқлаш.

В. Этнос, жамият ва одамзотнинг келиб чиқиши, уруғларнинг шаклланиши, Жанубдаги ўтроқ деҳқончилик маданияти билан Шимолдаги кўчманчи дашт маданияти ўртасидаги ўзаро алоқалар, ўзбекларнинг келиб чиқишида Олтой-Турон ва Ҳинду Европа халқларининг ўзаро ҳиссасини (синтез) аниқлаш.

Г. Археологик ёдгорликларни қидириб топиш, паспортлаштириш, карталаштириш, таъмирлаш, сақлаш ва қўриқлаш, палеоботаника, палеоэкология, палеоэкономика, палеозоология,



палеоботаника, қадимги ирригация каби фанларнинг ютуқларидан фойдаланиб ва қадимги деҳқончилик маданияти тарихидан кенг фойдаланиб археологик ёдгорликлар мажмуасини ва Ўзбекистон археологиясининг умумлашган мукамал манзарасини яратиш.

Юқорида тилга олинган барча илмий муаммолар ҳозирда институтимиз олимлари тадқиқ қилаётган 4 асосий илмий-тадқиқотлар мавзуларида ўз аксини топган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистоннинг қадимги тош асри илдизлари ва атроф муҳит.
2. Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги давлатчилиги, моддий-маданияти ва мафкуравий ҳаёти (археология манбалари асосида).
3. Ўзбекистоннинг ўрта аср давлатчилиги ва цивилизацияси археология манбалари асосида.
4. Қадимги ҳунармандчилик маҳсулотларини физик, химик, археологик тадқиқотлар асосида ўрганиш ва археология обидаларида кимёвий консервациялаш усулларини тадбиқ қилиш.

Ўзбекистон археологияси сўнгги чорак аср мобайнида улкан ашёвий далиллар заҳирасини тўплашга эришдики, булар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини бор бўйи - басти, янги қирралари билан янгидан ёритиш имконини беради.